

## ПАРИЖ КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН НОЁБ ХОРАЗМ ҚЎЛЁЗМАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8044792>

*ф.ф.д. Гулноз Халлиева*

*УзДЖТУ профессори, Тошкент давлат шарқшунослик университети  
инновацион лойиҳа бош илмий ходими*

**Н.Адамбаева**

*ТошДШУ, инновацион лойиҳа катта илмий ходими*

### **Аннотация.**

*Ушбу мақолада Франциянинг Париж кутубхонасида сақланаётган ноёб қўлёзма - “Насихатномаи Шоҳий” асарининг муаллифи, Шарқ ренессансининг буюк намоёниси Хусайн Хоразмий ижоди ҳақида маълумот берилган.*

### **Калит сўзлар.**

*Париж, кутубхона, қўлёзма, Хоразм тарихи, Хусайн Хоразмий, “Насихатномаи Шоҳий”*

### **Аннотация.**

*В данной статье представлены сведения о творчестве Хусейна Хорезми, автора уникальной рукописи Парижской библиотеки во Франции - «Насихатномаи Шахий», великого представителя восточного Возрождения.*

### **Ключевые слова.**

*Париж, библиотека, рукопись, история Хорезма, Хусейн Хорезми, “Насихатномаи Шахи»*

### **Annotation.**

*This article presents information about the work of Hussein Khorezmi, the author of a unique manuscript of the Paris Library in France - "Nasikhatnomai Shahiy", a great representative of the Eastern Renaissance.*

### **Key words.**

*Paris, library, manuscript, history of Khorezm, Hussein Khorezmi, “Nasikhatnomai Shahi”*

*Дунёнинг энг бой кутубхоналаридан бири, ўз даврида А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд каби титан туркийшунослар шуғулланган Париж миллий кутубхонасида топганимиз ноёб қўлёзмалардан бири Хусайн Хоразмийнинг “Насихатномаи Шоҳий” асаридир. Қўлёзманинг титул варағидаги ёзувда асар “Насихатномаи шоҳий” китоби хуб ва таснифи*

марғуб, хазинаи асрори ҳикмат” дея таърифланган. Асар муқаддима, тўртта боб ва хотимадан иборат.

Камолиддин Хусайн Хоразмий(1466-1551) Кубравия тариқатининг Хусайния силсиласи асосчиси, ўз даврининг олиму уламиси, шоири донои даврони, Навоийдек шоир таърифига сазовор бўлган, Огаҳийдек буюк зот назарига тушган Шарқ РЕНЕСАНсининг буюк намоёндаларидан биридир. Таниқли олим, огаҳийшунос А.Ўрозбоевнинг таъкидлашича, “Хусайн Хоразмий ифтишошия тариқатининг охирги пирларидан биридир. У ҳақида мўътабар манбалардан бири Камолиддин Маҳмуд Ғиждувонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин” (Толиблар калити)асари бўлиб, ушбу асар Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган ва ягона нусхаси Тошкентда сақланади [4]. Асар манбашунос Эркин Миркомиллов томонидан таъдил қилинган, сўзбоши ва изоҳлар билан Огаҳий асарлари 10-жилдида нашр қилинган.

“Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “*Yevroturcologica.uz*” электрон платформасини яратиш” инновацион лойиҳаси асосида Германия, Франция, Финляндия, Австрия, Чехия, Швейцария, Эстония каби Европа давлатларидаги туркий қўлёзмаларнинг таркиби ва таснифини ўрганиб чиқдик. Хоразм фарзанди сифатида албатта, ўз қўлёзмаларимизга алоҳида диққатимизни қаратдик. Лойиҳанинг илмий аҳамияти шундаки, хорижий фондлардаги туркий қўлёзмаларнинг, жумладан, Хоразм адабий манбаларининг илмий истифодага олиб киритилиши билан қадимий ва бой тарихга эга ўзбек адабиётининг теран илдизларини, Шарқ мумтоз оламида аждодларимиз кўтарилган чўққиларни бугунги тафаккур асосида ўзлаштириш имкони кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори жуда катта хайрли ишга - Огаҳий “Асарлар”и кўпжилдлигининг, жумладан, Хусайн Хоразмий ҳақидаги 10-жилднинг яратилишига ҳам замин бўлди.

Бундан ташқари илмда таъкидланганидек, Хусайн Хоразмий ҳақида унинг ўз ўғли Шарафиддин Хусайн форс тилида битган “Жодату л ошиқин” (Ошиқларнинг катта йўли) асар ҳам мавжуд бўлиб, бу манба таниқли олим Маҳмуд Ҳасаний томонидан таржима қилинган. Адабиётшунос Дилором Салоҳийнинг таъкидлашича, Маҳмуд Ҳасаний пири тариқатнинг «Иршод ал-

муридийн» («Муридларга тўғри йўл») деб номланган асарини ҳам кирилл алифбосига ўгириб, форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган. [6; 85].

Самарқандда бир муддат яшаб ижод этган Хусайн Хоразмий шарафига “Махдуми Хоразмий” (2002) жамғармаси ташкил этилган. [2;7]. “Махдуми Хоразмий Самарқандда фаолият юргизиб турган пайтда накшбандия ва яссавия тариқатлари каторида ўз тариқати, сулукини кенг ёйди, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш мақсади билан яшади. У бу ерда хонақоҳ, масжид, икки мадраса, ҳовуз каби иншоотларни қурдирди. Бу мажмуанинг баъзи бирлари бугунга қадар етиб келган. Шайхнинг хонақоҳи ҳам кўрлар учун қурилган бўлиб, қорихона деб аталган. Мақбаранинг эса жойи маълум, аммо ўзи ҳозирда йўқ бўлиб кетган”. [6; 90].

Ҳар бир миллат адабиёти дунё бадиий тафаккурининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Жаҳон халқларининг қизиқиши ва ўқиши бадиий адабиёт аҳамиятини белгиловчи асосий мезонлардан ҳисобланади. У ёки бу халқнинг жаҳонда танилиши, энг аввало, ўша халқ маданияти, санъати ва адабиётининг қандай миқёсда тарқалиши ва тан олинисига боғлиқдир Хусайн Хоразмийнинг ибратли ҳаёти ва ижоди Девин Девис, Ж.Тримэнгем, Д.А.Кньш каби тасаввуфшунос олимлар томонидан бир неча бор эътироф этилган. [1,3,7], аммо ўзбек филологиясида адиб ижоди деярли ўрганилмаган. Ҳозирда шогирдларимиз билан Хусайн Хоразмийнинг Франциядан олиб келинган “Насиҳатнома Шоҳий” асарини табдил қилишни бошлаганмиз. Мазкур асар Ўзбекистон фондларида мавжуд эмас. Яқин орада бу асар мазмун моҳиятидан халқимизни баҳраманд қилиш ниятидамиз. Ушбу ўринда Париж кутубхонасида сақланаётган кўлёзма асосида асардан илк бор парча эълон қилинмоқда:

### “НАСИҲАТНОМА ШОҲИЙ”

.....Султон Боязид Бистомий ҳазратлариндан қаддасаллоҳу сирриҳу сўрдиларки, “Маърифат надир?”. Бу ояти каримаи ўқуди: “Иннал мулуна иза даҳалуво қарйатан ифсадуҳо ва жаъалуво иззатан ахлуҳо азаллату”. Шеър:

Дар жон ва дел ошиқ ҳар ёр нами кўнжад,

Дар хилват ёри мо ағёр нами кўнжад.

Аз ғайри дел худро бар доштам аз ғайрат,

Ке он жо ке буд ёрам даййор нами кўнжад.

Бо ёр чу нешини бе кас камар ҳасти,

Ке он дар ҳарами Каъба зуннор нами кўнжад.

Наср: Ҳам султон Боязид Бистомий ҳазратлари қаддасаллоху сирриху сӯрарлар ки, халқнинг дирлу-дирлу аҳволи вордир. Аммо, орифнинг ҳеч холи йӯқдир. Зеро, русуми махв ўлмишдир. Ҳавиййати ҳақда ва осори дахи фоний ва ғойиб ўлмишдир, осори муталиқда. Ҳикоёт: Бир нахвийа иттифок дарё сафари душуб, бирига кируб кетди. Рӯйи дарёда кедаркан, маллоҳ ила баъзи калимот эдаркан айтдики, “Эй маллоҳ, ҳеч умри шарифингдан бир миқдорин нахву сарф айдубдирмисен? Ва бу фазилат афмои касб этмака рӯзгор кечуруб турармисен?”. Маллоҳ айтди: “Йӯқ”. Айтди: “Ҳайф ки, умринг насифи батолат ила фоний ўлмиш бир лаҳзадан ки, “Тажрий ар-риёх бима ла таштахис-сафни” ҳукмила шиддат ва муҳолифати рӯзгордан ками талотўм амвожа душди. Ва аҳли кишти дарёйи хайрата ғарқ ўлдилар”. Пас, нахвий музтариб ўлуб, маллоҳдан тадбири ҳалос истифсор эдажак. Маллоҳ айтди: “Ҳеч шиноварлик илмина ошнолиқ ворми?”. Айтдики: “Йӯқ”. Маллоҳ айтди: “Ҳайфки, жамиъ умрингни батолат ила фоний этмишсан”. Назм:

Эй нахвий кулли умрат дар фаноаст,  
Зе онки, кишти ғарқи ин кард обҳоаст.

Махв мибояд фи нахв ин жо бедон,  
Гар тӯ махвийи хатар об равон.

Оби дарё мӯрде ро бар сар нӯҳад,  
Дар буд зинда зе дар боки деҳад.

Наср: Саййид ат-тойифа ҳазрат Жунайддан сӯрдиларки, “Ориф кимдир?”. Айтдики, “Лавнал маъ лавна анойаху”. Фард:

Шарҳ миҳоҳад баёни ин сӯхан  
Лайл митарсам зе афҳоми кӯхан.

Ва улулардан бириси айтдики, “Ориф дагилдир”. Ул кимсага абнойи ҳарт катинда маърифати васф эда дагил ки, абнойи дунё катинда. Пас, тавфиқи раббоний ила шуруъ эдалум.

Наср: Келдик эмди, мақомоти маърифат мухталифдир. Аввал, мақоми маърифат ақлидир. Бу маърифати аъвомдир. Бу маърифатда мусаллам ва кофир ва яхудий ва насаро ва мажусий ва маллоҳда ва фалосифа ва табоъиа ва даҳрийа жумласи мусовийдир. Зеро, бунларнинг жумласи ақлда шерикдурлар. Ва жамиъси вужуди илахда муттафиқлардир, бил-ихлоф. Аммо, мобайнларинда ўлан ихтилофи сифот улу ҳаётдадир, зотда дагил. Ва бу ихтилоф аҳли ислом ўртасинда дахи вордир. Ҳар тоифа бир сифоти исбот ва бир мазҳаб нафи эдар. Ва бунинг шарҳина шуруъ этмак мусталзам тавл баёндир.

**АДАБИЕТЛАР:**

1. ДеВис Д. Хусайн Хорезми: среднеазиатский суфий начала XV в. // Из истории суфизма: источники и социальная практика. Ташкент, 1991
2. К.Каттаев. Махдуми Хоразмий ва хонақоҳи тарихи. –Самарқанд: “Зарафшон”, 2003. 128 б.
3. Кньш А. Д. Суфизм // Ислам. Историографические очерки М., 1991.
4. Махмуд Гиждувоний. Мифтоху-т-толибин, Огахий таржимаси. Узбекистан Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кулёзмаси, инв. №8473
5. Махмуд Ҳасаний. “Махдуми Хоразмий. Иршод ал-муридийн”. Илмий мақ.тўшл.:XV-XVI аср тасаввуф намояндалари илмий меросининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти. – Самарқанд: СамДУ, 2011. 38-47 б
6. Салохий Д. Тасаввуф ва бадиий ижод. Ўқув қўлланма.- Тошкент Навруз, 2018.
7. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордена в исламе. М., 1989